O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 23 июнь, № 122 (4275) Шанба

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган




## Хориж сармояси: ЮКСАЛИШ ОМИЛЛАРИДАН БИРИ

Туркиялик Адил Акчакара — модельер. Ҳозир у Тошкентда яшайди.

— Илк бор Ўзбекистонга 2002 йили келганман, — дейди у биз билан суҳбатда. — Бу ерда тадбиркорларга, хусусан, хорижлик сармоядорларга яратиб берилган шароитни кўриб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш истаги туғилди. Пойтахтдаги болалар кийим-кечаги ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Shafak Textil" Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси шу тахлит бунёд этилди. Бунинг учун мўъжазгина бино олиниб, хориждан қиймати 150 минг АҚШ долларилик технологиялар келтирилди.

Дастлаб 10 нафар чевар билан ўз фаолиятини бошлаган мазкур жамоада иш тезда жонланиб кетди. Айни пайтда 37 нафар киши меҳнат қилмоқда, 200 хилдан ортиқ маҳсулот тайёрланмоқда.

Хорижникидан асло қолишмайдиган бу болалар кийимига ички бозорда талаб катта. Чунки маҳаллий хомашёдан тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифати юқори, табиий матодан тикилади. Натижада ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ошиб бораётир. Масалан, ўтган йили 39 миллион сўмлик чақалоқлар жамланмаси, уларнинг мавсумий кийимлари сотилган бўлса, жорий йилнинг беш ойида бу кўрсаткич 20 миллион сўмдан ортди. Жамоа йил охиригача яна 30 миллион сўмлик болалар либосини бозорга чиқаришга аҳд қилган.

— Маҳсулот дизайни ва бичими ўзимнинг зиммамда, — дейди қўшма корхона раҳбари Адил Акчакара. — Ҳар мавсумда бирорта янгилик яратамиз. Шу боис молимиз туриб қолмаяпти. Эндиги ниятимиз уларни экспортга чиқариш. Шу мақсадда Японияддан қиймати 70 минг АҚШ долларилик нақш соладиган машина келтирилмоқда.

Бу мамлакатимиз иқтисодиётини янада юксалтириш, юртимиз обрўсини кенгроқ ёйишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

СУРАТДА: қўшма корхона ишчиси Гулнора Тўхтаназарова.

**Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

***Хорижий инвестициялар иқтисодий юксалишнинг энг муҳим омилларидан бири бўлиб, уларни жалб этиш иқтисодиёт тармоқларига замонавий технологиялар, ишлаб чиқаришни бошқариш тажрибасини олиб кириш, энг юқори халқаро стандартларга жавоб берадиган маҳсулотнинг юксак даражада рақобатбардошлигига эришиш ҳамда ўта талабчан халқаро бозорларга муваффақиятли тарзда кириб бориш имконини беради.***

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, "бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишни мустаҳкамлашга қаратилган чораларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда ҳажми тобора ортиб бораётган хорижий сармояларни жалб қилишда ижобий таъсир кўрсатди".

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг бўлиб ўтган мажлисида юқори палата қўмиталарининг хорижий инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ташқи иқтисодий алоқаларни такомиллаштириш соҳасидаги қонунларнинг ижросини ўрганиш борасидаги вазифалари муҳокама қилинди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, ушбу мажлисга тайёргарлик кўриш жараёнида Сенат қўмиталари томонидан тегишли идоралар мутахассисларини, олимлар ва экспертларни жалб этган ҳолда бу соҳадаги ишларнинг аҳволи ўрганиб чиқилди, бир қатор семинар, конференция ва давра суҳбатлари ўтказилиб, уларда тегишли тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқилди.

Сенат Кенгашининг мажлисида мустақиллик йилларида Ўзбекистонда қулай ҳуқуқий инвестиция муҳити, хорижий инвесторлар учун кенг кафолат ва имтиёзлар тизими яратилганлиги қайд этилди. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар яхлит тизими ишлаб чиқилди.

Қулай инвестиция муҳитини шакллантиришнинг асосий шартларидан бири хорижий инвесторларнинг асосий ҳуқуқ ва кафолатларини таъминлайдиган қонунчилик ҳамда норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришдан иборат. Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий базасини "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги Қонун билан бир қаторда "Чет эл инвестициялари тўғрисида", "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги қонунлар, шунингдек, мамлакат Президентининг бир қатор Фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ташкил этади. Яратилган норматив-ҳуқуқий база тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни бутун чоралар билан рағбатлантиришга ҳамда уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришга қаратилган. Шу билан бир қаторда хорижий инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш учун жавобгар органлар ва муассасалар тизими шаклланди. Ўзбекистонда инвестиция муҳитини яхшилашга қаратилган бир қатор институциявий дастурларнинг амалга оширилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Айни вақтда Сенат Кенгашининг мажлисида чет эл инвестициялари ҳақидаги қонун ҳужжатларини инвентаризациядан ўтказиш, уларнинг бирхиллаштирилишини таъминлаш, шу асосда инвестиция муҳитини янада яхшилаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишга қаратилган ишларни давом эттириш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Мажлисда кўрсатиб ўтилганидек, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари муҳим роль ўйнаши керак.

Муҳокама қилинган масала юзасидан Кенгаш тегишли қарор қабул қилди.

Мажлисда сенаторлар, вазирлик ва идораларнинг намояндалари, олимлар, мутахассислар, шунингдек, экспертлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.**

## ҒАЛЛАМИЗ УЙ СОЛИШГА ҲАМ, ТЎЙ ҚИЛИШГА ҲАМ ЕТАДИ

Мен жуда бахтли аёлман. Бахтим шундаки, ўн йил илгари Президентимиз бизнинг даламизда бўлган эди. Куни кеча эса туманимиздаги «Ихлос барака» фермер хўжалиги шийпонида яна Юртбошимиз билан учрашиш насиб этди менга. Давлатимиз раҳбари фермерлар, туманлар ҳокимлари ва банклар раҳбарлари билан учрашув чоғида бугунги кунда фермерлик ҳаракати вилоятда қандай ривожланаётгани, андижонликлар тафаккурида мулкка, ерга эгалик туйғуси қай даражада шаклланаётгани, фермерларнинг эришган ютуқлари, уларнинг фаолиятини янада ривожлантириш учун ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар билан қизиқди.

Гапнинг очиғи, вилоятимизда фермерлик ҳаракати жадал ривожланмоқда. Ҳозирда 16

Фахр

минг 193 фермер хўжалиги фаолият юритаётгани буни яққол тасдиқлаб турибди. Улар орасида мен ҳам борман. Шу кунгача нимага эришган бўлсам, ҳаммаси меҳнатимдан. Фермерликда барака бор экан.

Фермер хўжалигимизнинг 33 гектар ери мавжуд. Бу йил шунча майдоннинг ҳар гектаридан 72 центнердан, жами 237,6 тонна ғалла йиғиштириб олдик. Унинг 117 тоннасини уруғлик сифатида давлатга сотиб, шартнома мажбуриятини 106 фоиз этиб бажардик. Қолган ҳосилни эса жамоамизда меҳнат қилаётган кишиларга бўлиб бердик. Энди ғаллачиликдан келган 25 миллион сўм даромадга янги техника харид қиламиз, шийпонимизни таъмирлаб, шу ерда болажонларимизга атаб боғча очамиз.

**Сиёсатхон АБДУЛЛАЕВА,**
**Олтинкўл туманидаги «Олтин водий гулшани» фермер хўжалиги раҳбари.**

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси Қашқадарё вилоятида «Иш билан таъминлаш соҳасидаги сиёсат тўғрисида»ги Женева Конвенцияси талабларининг бажарилишини ўрганиб чиқди.***

## КУН ТАРТИБИДА — БАНДЛИК МАСАЛАСИ

Маълумки, Конвенция иқтисодий сиёсатни бандлик нуқтаи назаридан ўрганиш, меҳнат унумдорлигини кўтариш ва турмуш шароити даражасини яхшилашга йўналтирилган мақсадларни амалга оширишни таъминлашга хизмат қилади. Конвенция талаблари ўнга яқин қонун ҳужжатлари асосида тартибга солинади.

Сайёр мажлис

Депутатлар ва махсус ишчи гуруҳи томонидан амалга оширилган назорат-таҳлил фаолияти якунлари қўмитанинг халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатлари, фаоллар иштирокидаги кенгайтирилган кўчма мажлисда кўриб чиқилди. Унда аҳолини иш билан таъминлаш бўйича вилоятда Конвенция ҳамда миллий қонунчилик талаблари асосида аниқ йўналишлар белгилаб олинганлиги ва амалий ишлар олиб борилаётганлиги таъкидланди.

Вилоятда соҳага тааллуқли қонун ҳужжатлари талабларининг бузилиш ҳолатлари ҳамда иш жараёнида қатор камчиликлар ҳам мавжуд. Мажлисда бу камчиликларни бартараф этиш йўллари, ишсизлик муаммоларини келтириб чиқараётган сабаблар, вилоятнинг бу борадаги аниқ имкониятлари борасида қизғин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди.

Қабул қилинган қарорда вилоятда «Иш билан таъминлаш соҳасидаги сиёсат тўғрисида»ги Конвенция ва иш соҳасидаги миллий қонунчилик талабларининг тўла-тўкис бажарилишига қаратилган амалий таклифлар ўз ифодасини топди.

Кўчма мажлис ишида вилоят ҳокими Нуриддин Зайниев иштирок этди.

**Б.НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

***Кеча қуйи палатанинг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Андижон ва Навоий вилоятларидаги ижроси муҳокама қилинди.***

Таъкидланганидек, мазкур Қонуннинг ижросини таъминлаш бўйича ҳар иккала вилоятда ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан давлат ва жамоат назорати ўрнатилган. Андижон ва Навоий вилоятлари Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари, тегишли инспекциялар томонидан корхоналарда белгиланган тартибда текширишлар ўтказиб келинмоқда. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар берилаётир. Қонун бузилишларига йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан эса маъмурий жарималар қўлланилди.

Ишлаб чиқаришда юз берган бахтсиз ҳодисалар оқибатида жабрланганларга белгиланган тартибда пенсиялар, нафақа, товон пуллари тўланмоқда. Ушбу вилоятлардаги кўпчилик корхона ва ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари ташкил этилган, ёнғин хавфсизлиги бурчаклари бирламчи ўт ўчириш воситалари билан таъминланган, ходимлар белгиланган тартибда махсус кийим, ювиш ва дезинфекциялаш воситалари, пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланган.

Шунингдек, Қонуннинг бажарилиши бўйича ҳар иккала вилоятда бир қатор камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилгани ҳам айтиб ўтилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

***Шу куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Қонунлар лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси қўмиталари томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқиш тартиб-таомиллари" мавзуида семинар бўлиб ўтди.***

Уни қуйи палатанинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ташкил этди.

Тадбирда сўз олганлар мамлакатимиз қонун чиқарувчи ҳокимияти икки палатали тизимда шакллантирилгани туфайли республикамиз қонун ижодкорлиги институти фаолияти янада такомиллашганини қайд этишди.

Қизғин фикр олишувлар билан ўтган семинарда икки палатали парламент шароитида қонун ижодкорлиги масалалари, мавжуд муаммоларни ҳал этиш борасида олиб борилаётган ишлар, халқаро тажрибалар хусусида ҳам гап борди.

## ФЕРМЕР БЎЛИБ ДУНЁ КЎРДИМ

Тўрақўрғон туманидаги Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг Наманган филиалида Президентимиз олимлар ва бир гуруҳ фермерлар билан учрашди. Бу учрашув бир умр ёдимда қолади.

— Аёл ўзини бахтли ҳис этса, оила ҳам бахтли бўлади, — деди Юртбошимиз. — Халқимиз — болажон халқ. Бизнинг орзу-ҳавасларимиз, ниятларимиз — барча-барчаси фарзандларимиз камоли билан боғлиқ.

Дил изҳори

Бу барча хотин-қизларнинг дилидаги гап, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан. Ўзимдан қиёс: икки ўғлим ёнимда, хўжалигимиз юкини мен билан баб-баравар тортишаяпти. Рўзғоримиз бут, оиламизга кўпчиликнинг ҳаваси келади. Бахт дегани шу эмасми?

Ўн йил аввал мен ҳам оддий бир қишлоқ аёли эдим. Фермер бўлгач, кўплаб хорижий мамлакатларни кўрдим. Ҳамкасбларимдан тажриба ўргандим. Бугунги кунда фермер хўжалигимизни нафақат туманда, балки вилоятда ҳам яхши билишади. Чунки 83 гектар ерда деҳқончилик қилиб, ҳар йили мўлжалдагидан кўп пахта ва ғалла ҳосили етиштираяпмиз. Бултур 32 миллион сўм соф фойда олган эдик. Бу йилги фойдамиз эса ундан-да кўпроқ бўлади. Шунинг ҳисобига яқин кунларда «Ёшлик» маҳалласида тикувчилик цехимизни очиб, кўпгина қиз-жувонларни иш билан таъминламоқчимиз. Мақсадимиз битта: у ҳам бўлса, бахтли оилалар сафи янада кенгайишига ўз ҳиссамизни қўшишдир.

**Каримахон БОБОХОНОВА,**
**Косонсой туманидаги «Тошкент» фермер хўжалиги раҳбари.**

## ЧЕКСИЗ ҒУРУР ВА ИФТИХОР

*Президентимизнинг «Универсиада — 2007» спорт ўйинлари иштирокчиларига йўллаган табриги нафақат талабалар, балки спортимиз юлдузлари томонидан ҳам кўтаринки кайфият билан кутиб олинди*

**Дилшод МАНСУРОВ, эркин кураш бўйича жаҳон ва Осиё чемпиони:**

— Бизни олқишлаб турган минглаб ёшлар орасидан "Универсиада — 2007" спорт ўйинлари машъаласини олиб ўтарканман, қалбимни ўзгача бир ғурур чулғаб олди. Ҳозиргача Осиё ва Жаҳон чемпиони бўлишга эришдим. Машъала порлаб турадиган энг нуфузли мусобақа — Олимпиада ўйинлари шоҳсупасини эгаллаб, юртимиз байроғини баланд кўтараман, деган ишончни кўнглимга тугиб қўйдим. Юртбошимиз "Универсиада — 2007" спорт ўйинлари иштирокчиларига йўллаган табригида ёшларга катта ишонч билдириб, "Биз мамлакатмизни янгилаш ва модернизация қилиш, юртимизда эркин ва обод демократик жамият қуриш, халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашдек эзгу вазифани ўз олдимизга қўяр эканмиз, ана шу юксак мақсадларга эришиш йўлида юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон, аввало, ҳаётга кириб келаётган ёш ва навқирон авлодга нисбатан замоннинг талаби тобора ортиб бориши табиийдир", деб алоҳида таъкидлаганлар. Бугун Тошкентдаги спорт майдонларида беллашаётган ёшлар орасидан ҳали кўплаб жаҳон чемпионлари етишиб чиқиши шубҳасиз. Мамлакат ёшларига билдирилган бундай ишончга спортдаги ғалабаларимиз билан жавоб берамиз.

**Миржалол ҚОСИМОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи, "Меҳнат шуҳрати" ордени соҳиби:**

— Эсимни танибманки, спорт билан ошноман. Кўплаб нуфузли мусобақаларда, халқаро тадбирларда иштирок этганман. Хориждаги футбол клублари таркибида тўп сурганман. Бундай тадбирларда машҳур юлдузлар билан танишиш, дўст-ошно тутиниш бахтига мушарраф бўлиш завқи бўлакча. Бу гапларни шунинг учун ҳам айтаяпманки, куни кеча юртимизда "Универсиада-2007" ўйинларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда меҳмон сифатида қатнашганимда ҳам дил-дилдан ана шу завқни ҳис этдим. Ёшларнинг спортга бу қадар зўр иштиёқ билан қарашларидан руҳланиб кетдим. Президентимиз табриклари, айниқса, мусобақа иштирокчиларига қанот бағишлаши турган гап. Уларнинг орасидан келажакда юртимиз довруғини жаҳонга кўз-кўз қиладиганлар етишиб чиқади. Аммо муҳими, бу эмас. Гап шундаки, спорт — саломатлик, эзгулик тимсоли. Юртбошимизнинг ушбу соҳага алоҳида эътибор билан қарашлари замирида ана шундай ўлмас ғоя турибди. Шунинг учун ҳам, мамлакатимизда қисқа фурсатда спорт ривожланиб кетди. Энг чекка қишлоқларда ҳам замонавий стадионлар бор. Ана шу ғамхўрликнинг самарасини эса "Универсиада" иштирокчилари тимсолида яққол кўрдим. Уларга ҳавасим келди ва чин дилдан омадлар тилайман!

**София КАСПЎЛАТОВА, каратэ бўйича Осиё ўйинлари совриндори:**

— "Универсиада — 2007" спорт ўйинлари иштирокчилари билан бир неча бор учрашувлар ўтказдик. Мен ёшларимиздаги ғалабага бўлган интилиш, ўзига бўлган ишончдан астойдил қувондим. Сузиш бўйича қизлар ўртасидаги баҳсларни кузатдим. Қарангки, мамлакатимизнинг чекка вилоятларидан келган қизлар ҳам ажойиб натижаларга эришмоқдалар. Бу ҳукуматимиз томонидан спортга берилаётган эътибор самарасидир.

4-бетга қаранг

# МАМЛАКАТ бўйлаб

## Маҳаллий хомашё ҳисобига

***Жиззах вилоятида яна бир хорижий корхона иш бошлади. Республика ҳукуматининг инвестиция дастури доирасида Туркиянинг полипропилен ип ишлаб чиқарадиган «Ripoltek-tekstil» корхонаси дастлабки маҳсулотларини истеъмолчиларга етказмоқда.***

■ «Жиззахпластмасса» заводининг бўш турган иншоотини ижарага олган корхонада тўқимачилик ва гилам маҳсулотлари учун асосий хомашё сифатида ишлатиладиган полипропилен ип ишлаб чиқарилади. Италия технологияси билан жиҳозланган корхона суткасига 4 тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга.

— Самарқанд, Урганч, Чирчиқ ва Фарғона шаҳарларидаги гилам фабрикалари асосий харидорларимиздир, — дейди корхона бош директори Закирие Гок. — Йигирмага яқин ишчимиз бор. Келгусида ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига яна 40 та янги иш жойи яратилади.

## Университет қошидаги лицей



■ Хива шаҳри марказида Урганч давлат университети қошидаги 4-академик лицей биноси қурилиши бошланди.

Лойиҳа қиймати 2 миллиард 300 миллион сўм бўлган мазкур муассаса 810 ўқувчига мўлжалланган. Уни "Хоразмқурилиш" акциядорлик жамияти бинокорлари бунёд этмоқдалар.

## Ислом маданияти ривож топган юрт

**Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида "Ислом маданияти ривож топган юрт" деб номланган кўргазма очилди.**

Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазманинг очилиши маросимида хорижий давлатларнинг элчилари, халқаро ташкилотлар вакиллари, санъатшунос олимлар, рассомлар иштирок этди.

Кўргазмада 600 дан ортиқ тарихий ҳамда меъморий ёдгорликлар, фан, маданият арбобларининг портретлари, миллий урф-одатлар, удумларимиз, кундалик ҳаётимизни акс эттирувчи рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик тасвирий ва амалий безак санъати асарлари, кулолчилик, ёғоч ўймакорлиги, анъанавий каштачилик, заргарлик буюмлари, миллий либос намуналари намойиш этилаяпти. Айниқса, Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкентдаги тарихий мақбаралар сурати ташриф буюрганларда катта таассурот қолдирмоқда.

Кўргазма 14 июлга қадар давом этади.

## Гулистонда сузиш ҳавзаси

***Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга, ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом камол топиши учун етарли шарт-шароит яратишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида кўркам спорт масканлари қад ростламоқда.***

■ Сирдарё вилояти Гулистон шаҳрида замонавий сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилди.

«Истиқлол» маҳалласида ҳашар йўли билан қурилган мазкур объектда сув спорти билан шуғулланувчиларга барча қулайликлар яратилган. Айни пайтда мазкур иншоот ёнида спорт майдончаси, музқаймоқ ва салқин ичимликлар билан савдо қилиш дўконларини қуриш ишлари бошланди.

"Истиқлол" маҳалласида истиқомат қилувчи салкам 12 минг аҳолининг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Сув ҳавзаси ишга тушиши билан маҳалла ёшларининг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш имконияти янада ортди.

## «Камолот»чи мададкорлар

***Чимбойлик уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз қариялар туман "Камолот"чиларидан ғоят миннатдор.***



■ Негаки, таътил кунлари ёшлар ҳаракати ташаббуси билан ҳар бир мактаб қошида ташкил этилган меҳр-мурувват клублари фаолият бошлади. Мададкорлар қарияларнинг уйларини таъмирлаш, ободонлаштириш ишларига ёрдам беришаётир.

## Сакунинг «Ҳумо»си

***Бу кўзлари чақнаб турган болажонлар таътилни Уйчи туманининг сўлим Саку қишлоғидаги "Ҳумо" оромгоҳида ўтказишмоқда.***



■ Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Уйчи туман кенгашига қарашли мазкур оромгоҳда ҳар йили Наманган вилоятининг турли бурчакларидан юзлаб ўқувчилар мароқли ҳордиқ чиқариб қайтишади. Бу йилги мавсумнинг дастлабки босқичида 280 нафар болажон учун бу ерда барча шарт-шароит яратиб берилган. Кутубхона, сузиш ҳавзаси уларнинг ихтиёрида. Спорт, моҳир қўллар каби бир қанча тўгараклар ишлаб турибди. Айниқса, 43 нафар малакали етакчи тарбиячи томонидан уюштирилаётган тадбирлар, туман "Биоэкосан" маркази тўгарагининг машғулотлари ўғил-қизларга манзур бўлмоқда.

**Ҳотамжон МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.**

***«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.***

# ТАБИАТГА ҲАММА ЖАВОБГАР

***Сурхондарё вилояти марказий ўрмон хўжалиги бош ўрмончиси Йўлдош Беккиевнинг айтишича, бу воҳада 100 минг гектар ўрмонзор бор. Тўртта — Бойсун, Боботоғ, Қизириқ, Узун ўрмон хўжаликлари ташкил этилган. Уларда кейинги икки йил давомида 1100 гектардан зиёд майдонда сунъий ўрмонзорлар яратилган. Миллионлаб туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари етиштирилган.***



— Ўрмон хўжаликларида иқлим, тупроқ, суғориш шароитларидан келиб чиқиб, халқ зироатчилиги тажрибасига суянган ҳолда, илмий ишлар олиб борилаётгани ҳам қувонарлидир. Масалан, Қизириқ ва Шеробод туманларида ерларнинг шўрланиши, тупроқнинг эрозияга учраши катта ташвиш туғдиряпти. Дарахтлар қуриб кетяпти. Бундай аҳволнинг олдини олиш мақсадида бу ҳудудларда жийдазор ва анорзорларни кўпайтирмоқчимиз, — дейди Қизириқ ўрмон хўжалиги бошлиғи вазифасини бажарувчи Маматраим Дўстқобилов. — Жийдада хосият кўп. Чунки унинг бир тупи 10-15 квадрат метр ерни шўрланишдан асрайди. Шу боис яқин икки-уч йил ичида фермерлар билан ҳамкорликда зовурларнинг қирғоқларига, йўл четларига икки миллион туп жийда ва анор кўчатларини экишни мўлжаллаяпмиз.

Узун ва Бойсун туманларида эса шифобахш ва катта даромад берадиган наъматак (ҳулул) майдонлари кенгайтирилади. Пистазор ва бодомзорларни ўн баравар кенгайтириш, тоғолди ҳудудларининг совуқ шамоллар етмайдиган пана қисмларида ҳатто зайтунзорлар яратиш имкониятлари ҳам кўриб чиқилаяпти.

Эришилган ютуқлар — ўзимизники. Муҳими, мавжуд иҳотазорлару дарахтларни асраш керак. Ниҳол дегани — дарахт эмас. Уни ҳақиқий дарахтга айлантирмоқ лозим.

Шу жиҳатдан қараганда, ҳали олдинда бирталай муаммолар борлиги кўзга ташланади.

...Яқинда «Каттақум» деб аталадиган ўрмон четидаги асфальт йўлдан ўтаётиб, кеча хуруж қилган қаттиқ шамол қум барханларини йўлга тўшаб ташлаганини кузатдик. Бу ўрмондаги саксовулларнинг бир қадар сийраклаша бошлаганининг асорати эди.

«Каттақум» ўрмони 12000 гектарлик саксовулзордан иборат. Жанубнинг изғирини ва гармселларига тирик қалқон. Ёнбошидан ўтган темир йўлни, Сурхон дарёсини қум босишидан сақлайди. Ўрмончилар «Йилига юз гектарлаб иҳотазорларни таъмирлаяпмиз», деганлари билан бу ерда саксовуллар, афсуски, биз истаганчалик кўпаяётгани йўқ. «Каттақум»нинг, айниқса, Гулҳовуз, Зартепа қишлоқларига, аҳоли яшайдиган бошқа ҳудудларга туташ қисмларида саксовулнинг сийраклашиб қолгани, ўрмоннинг яйловга айлантириб қўйилгани, Илҳом Ҳимматов, Хушбоқ Шерденов, Норбой Жумаев, Ўктам Мустоновдек кўпгина биродарларимиз эса танбеҳу жарималарни менсимасдан, «дарахткесарлик»ни ўзларига касб қилиб олишгани ташвишлидир.

**Мушоҳада**

«Дарахткесарлик», ўрмонни гоҳида ўрмончиларнинг ўзлари пайҳон қилишаётгани ҳаммасидан ҳам ачинарли. Қизириқ туманидаги «Боғистон» маҳалласи фуқароси Ҳамдам Зиёев ўрмонга мол ҳайдаб, уни пайҳон қилгани учун назоратчилар томонидан 37200 сўмлик жаримага тортилди. Ваҳоланки, Ҳамдам аканинг ўзи ўрмон қоровули бўлиб ишлайди...

Қизириқ ўрмон хўжалигининг «Зарбдор» бўлими ишчилари Эргаш Қурбонов ва Эргаш Тилововлар шу ҳудуддаги 1,6 гектар тераксорни мутасаддиларнинг ўзлари ноқонуний равишда кесишгани, ўрмон томонга томорқачилар силжий бошлаганлари хусусида тегишли идораларга мурожаат қилишга мажбур бўлдилар.

— Ўрмон ҳудуди кимларгадир вақтинча ижарага берилган бўлади. Сўнгра ўша ижарадаги ерларда уй-жой қурилади, яъни улар ими-жимида томорқаларга айланиб қолади, — дейди Эргаш Қурбонов.

— Бир туп кесилган дарахтнинг уволини мингта кўчат ўтқазиш билан ҳам ювиб бўлмайди, — дейди жарқўрғонлик табиат мухлиси Тоштемир Хайруллаев. — Атрофни ободонлаштираман, деб бу ишни дарахт кесишдан бошловчилар йўқ эмас.

Ҳукуматимизнинг бундан уч йил илгари кучга кирган «Сурхондарё қирғоқ бўйи полосасини ва муҳофаза зонасини белгилаш тўғрисида»ги қарори суви гоҳида ўзанларига сиғмай кетадиган ва узунлиги 175 километрга чўзилган Сурхон дарёси қирғоғидаги ўрмонларни ривожлантириш, суғориладиган ерларни тошқинлардан ва тупроқ емирилишидан сақлашда муҳим аҳамият касб этди.

— Бироқ қирғоқ бўйларининг қаровини кўнгилдагидек деб бўлмайди, — дейди Сурхон дарёси соҳилига туташ ерларда деҳқончилик қилаётганлардан бири Зулфиқор Ойтуғанов. — Дарё тошса, фермер хўжаликлари экинзорларини ювиб кетади. Қирғоқ бўйларининг чорва учун яйловга, овчилар учун эркин очиқ майдонга айланишининг олдини олмоқ керак. Дарё ўзанини ўзиники қилиб олиб, унинг қум-тошини мўмай пулга сотаётган, бу билан қирғоқларни бузаётганлар бор. Ҳар бир туп юлғин, ҳар бош ёввойи ўрдакдан тортиб, дарё ва унинг ўзанларию соҳилларининг ҳам эгаси, қаровчиси, ҳимоячиси бўлмоғи лозим.

Зулфиқор ака айтганидек, табиатдан ҳамма баравар умидвору манфаатдор бўлгани каби, унинг жавобгарлигини ҳам барча баробар ҳис этмоғи жоиз. Ўрмон — етти хазинанинг бири. Айтадиларку, ўрмон қил — умринг узаяди, деб!

Сурхондарёда ўрмончилару боғбонлар, миришкорлару маҳалла аҳллари жам бўлиб, йилига ўртача етти миллион туп атрофида манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ўтқазадилар. Уларнинг ҳаммаси бехато ўсса борми, шовуллаган дарахтзору ўрмонзорларимиз йилига 10-12 минг гектаргача кенгайиб бориши, воҳанинг қирадирлари боғ-роғларга бурканиши мумкин.

Лекин «мумкин» дегани — насия гап. Дарахтлар эса нақдини кўзлаб ишлайдиганларнинг қўлида гуллаб-яшнайди.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# «АНДИЖОНКАБЕЛЬ»НИНГ ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАРИ

*"Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи билан хорижий давлатларга сотилаётган маҳсулотлар тури ва ҳажми йил сайин ортиб бораяпти. Бу мамлакатимиз иқтисодиётидаги юксалишларнинг ёрқин далилидир. Хонобод шаҳридаги "Андижонкабель" Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси жамоаси, айниқса, бунга муносиб ҳисса қўшаётир.*

*Бу ерда ишлаб чиқарилаётган телефон, сигнализация, турли кабеллар симлари, пўлат, рангли металл ҳамда уларнинг қотишмаларидан тайёрланаётган металл турларига чет элларда ҳам талаб ортиб боряпти. Сабаби, узоқни яқин, оғирни енгил қилишга хизмат қиладиган бу маҳсулотлар ўзининг юқори сифати билан аллақачон харидорлар ишончини оқлаган. Жаҳон андозалари талабларига тўла жавоб берадиган корхона маҳсулотлари айни пайтда Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Эрон, Туркия сингари кўплаб давлатларга экспорт қилиняпти.*

*Ҳозирда қўшма корхона фаолиятини кенгайтириш ишлари бошлаб юборилган. Бунинг учун мавжуд цехлар реконструкция қилиниб, замонавий ускуналар ўрнатилмоқда. Натижада қўшимча иш ўринлари очилиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошяпти.*

***СУРАТДА: қўшма корхона ишчиси Назарали Холдоров замонавий ускунани бошқармоқда.***

**Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА)**
**олган сурат.**

# АДВОКАТНИ КИМ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ?

***Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида "Адвокатура тўғрисида"ги ҳамда "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари мониторинги натижаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирликлар, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, адвокатура, шунингдек бир қатор давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Йиғилганларга маълумот сифатида айтиб ўтилдики, жорий йилнинг март-апрель ойларида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти томонидан адвокатура фаолиятига оид қонунлар мониторинг қилинди. Давра суҳбатини ўтказишдан кўзланган мақсад ҳам айнан ушбу мониторинг натижаларини атрофлича муҳокама қилиш, қонунларни амалиётда қўллаш давомида мавжуд камчиликларни аниқлаш, уларни бартараф этиш, шу асосда қонунчиликни такомиллаштириш бўйича аниқ таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Давра суҳбатида сўзга чиққанлар жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рўёбга чиқаришда, фуқаролик жамиятини барпо этишда адвокатуранинг ўрни ва аҳамияти, ўтказилган мониторинг натижаларининг тизимли таҳлили, ушбу соҳадаги қонунларни қўллашдаги мавжуд камчиликлар ва айни пайтда уларни бартараф этиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

**Шавкат ОРТИҚОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# СОЛИҚЧИЛАР МАЛАКА ОШИРИШМОҚДА

Қарши шаҳрида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари давлат солиқ идоралари ходимларининг ҳудудий ўқув машғулотлари бўлди. Улар уч кун давомида солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлар, амалиётда юзага келаётган муаммоларнинг ечимини топиш борасидаги тажрибаларни батафсил ўргандилар. Ўқув давомида, шунингдек, солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш, жисмоний шахсларга солиқ солиш ва бозорлар фаолиятини назорат қилиш билан боғлиқ масалаларга ҳам алоҳида эътибор берилди.

**Н. БЎРИЕВ.**

# ЭЛОБОД ЙЎЛИ ОБОД БЎЛАДИ

Шу йил 18 май куни Президентимиз Қўнғирот сода заводида бўлиб ўтган учрашувда Нукусдан Элободгача бўлган 150 километрлик трассани жаҳон стандартлари асосида таъмирлаш юзасидан топшириқ берган эди. Шу кунларда бу ерда иш қизғин давом этмоқда.

— Жорий йилда «Нукус-Элобод» йўлининг 91 километрини фойдаланишга топширишимиз керак, — дейди «Қорақалпоқавтойўл» акциядорлик жамияти раиси Мадет Аламбергенов. — Бунинг учун 11 миллиард сўмликдан кўпроқ пудрат ишлари бажарилиши лозим. Шу кунгача таъмирлаш юмушларининг ярми ниҳоясига етказилди.

**Я. ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЎҚИШГА КИРМОҚЧИМИСИЗ? МАРҲАМАТ!

***Яқиндагина қўлларига Ўзбекистон Республикаси паспортини олиб, мамлакат фуқароси бўлишдек бахтга мушарраф бўлган ёшлар битирувчилик шаҳодатномасини ҳам қўлга киритишди. Уларнинг қалбида ўзларига ишонч, эртанги кунга умид билан бирга эл-юртга нафи тегадиган инсон бўлиб етишиш истаги жўш урмоқда. Бу йўл эса, аввало, илму ҳунар эгаллашдан бошланади.***

Шу боис, мамлакатимиз ёшлари 20 июнни ҳар доимгидек интиқлик ва ҳаяжон билан кутиб олишди. Чунки барча таълим муассасаларида ҳужжатлар қабул қилиш бошланди. Минглаб йигит-қизлар имтиҳон варақларини аллақачон қўлга киритиб, тест синовларига тайёргарликни хотиржам давом эттиришмоқда.

Сўнгги йилларда абитуриентлар сони бўйича ўтказилган таҳлиллар ёшларнинг ўқишга, малакали мутахассис бўлишга қизиқиши тобора ортиб бораётганини кўрсатяпти. Масалан, 2004 йилда олий таълим муассасаларига кириш учун ҳужжат топширганлар сони 249 мингдан ортган бўлса, 2005 йили бу кўрсаткич 283 мингтага етган эди. Ўтган йили эса абитуриентлар 314 минг нафарни ташкил этди. Мазкур рақамларнинг ҳар йили 15 фоиз ўсиб бораётганидан келиб чиқиб, бу мавсум аризалар сони 340 мингдан ортишини тахмин қилиш мумкин.

**Абитуриент — 2007**

Шу билан бирга, абитуриентларнинг имтиҳонларга тайёргарлик даражаси ҳам йилдан-йилга ошиб бораётганини таъкидлаш жоиз. Қабул жараёнида ёшларнинг билим доираси ва улар орасидаги рақобат тобора кучаяётгани кузатилмоқда. Бу эса мамлакатимизда таълим тизимига қаратилаётган эътибор, умумтаълим мактаб, академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежларида ўқитиш сифатини ривожлантириш борасидаги улкан ислоҳотлар самарасидир.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ўқитувчилари ушбу даргоҳга интилувчи ёшларнинг сафи кенгаяётганини фахр ила гапириб қолишди.

Аслида, бугун вилоятлардаги педагогик мақомга эга таълим масканларида ҳам абитуриентлар танлови жуда юқори бўлаётир. Бу ҳам мактабу коллежларнинг замонавийлашиб бораётгани, ўқитувчи ва мураббийларни моддий рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, бир сўз билан айтганда, мактабнинг нуфузи ошаётганини ифодалайди.



Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган йигитларга қабул жараёнида имтиёзлар бериш борасидаги ташаббуси халқимиз томонидан мамнуният билан қабул қилинганди. Табиийки, бу йил ҳам ҳарбий қисм раҳбариятининг тавсияномасига эга фуқароларга тест синовларида тўпланадиган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдорида қўшимча балл берилади. Шунингдек, фан олимпиадаларида биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган ўқувчилар тест синовларисиз талаба бўлиш имкониятига эга.

Кези келганда шуни ҳам таъкидлаш керакки, 2005 йилда олий таълим муассасаларидаги бир ўрин учун 4,7 абитуриент кураш олиб борган бўлса, ўтган йили бу рақам 5,4 га етди. Жорий йилда эса бир ўринга 6 абитуриент тўғри келиши кутилмоқда. Демак, рақобат янада катта, синовлар табиийки, жиддий бўлади.

**Анвар САМАДОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Гаровдагилар изидан

**Россия гаровга олинган олти фуқаросини озод қилиш учун Нигерияга махсус хизмат вакилларини жўнатди.** Бу ҳақда мамлакат ФХХ директори Николай Патрушев баёнот берди. Унинг таъкидлашича, махсус хизмат вакилларининг жўнатилиши можаро куч ишлатиш йўли билан ҳал этилишини билдирмайди.

Эслатиб ўтамиз, шу йилнинг 3 июнь куни Нигериянинг Икот-Абаси аҳоли пунктида «Русал» компаниясининг олти нафар ишчиси номаълум шахслар томонидан ўғирлаб кетилганди. РФнинг Лагосдаги элчихонаси вакилларининг таъкидлашича, гаровга олинганларнинг ҳаммаси соғ-омон. Жангарилар тез-тез элчихона ходимлари билан боғланиб, гаровдагиларни озод қилиш учун пул талаб қилишмоқда.

## Хакерлар ҳужуми



**Пентагон компьютер тизимига хакерлар кучли ҳужум уюштиришди.** Натижада 1500 та компьютер ишдан чиқди. АҚШ мудофаа вазири Роберт Гейтснинг қайд этишича, компьютерлар яқин вақт ичида тузатилади.

Вазир Пентагон компьютерлари деярли ҳар куни бир неча марта шундай ҳужумга дуч келишини таъкидлади. Ҳозир ушбу ҳолат сабаблари текширилмоқда.

## Жазирама жазаваси




**Бошқа Европа мамлакатлари қатори Руминияда ҳам ҳавонинг ҳарорати жуда кўтарилиб кетди.** Мамлакатнинг марказий ва жанубий туманларида ҳарорат кундуз кунлари 35-40, кечалари эса 20-22 даражани ташкил этмоқда.

Сўнгги ҳафтада иссиқ туфайли 19 нафар киши ҳаётдан кўз юмди. Кексалар ва юрак-қон томир касалликлари билан оғриган беморларга, айниқса, қийин бўлаяпти.

Метеорологларнинг маълумотларига қараганда, яқин кунларда ҳаво ҳарорати пасаймайди. Шунинг учун иссиқдан озор чекаётган беморларга тез ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳаракатланувчи тиббий марказлар ташкил этилди.

## Гуантанамо ёпиладими?



**Кеча Оқ уйда Гуантанамо қамоқхонасини ёпиш масаласи бўйича йиғилиш бўлиши керак эди.** Лекин бу тадбир ҳақидаги маълумот матбуотда пайдо бўлгач, у қолдирилди.

Оқ уй вакили Дана Перинонинг қайд этишича, яқин вақтда Гуантанамо масаласи муҳокама қилинмайди. Шу билан бирга, у президент Жорж Буш қамоқхонани ёпиш тарафдори эканлигини таъкидлади. Бунинг учун эса махсус ҳарбий комиссия тузиш ва қамоқхонадаги маҳбусларнинг тақдирини ҳал этиш лозим деди, Дана Перино.

## Техник носозлик туфайли



**Красноярскдан Петропавловск-Камчатскка кетаётган «Ту-154» самолёти техник носозлик туфайли Хабаровск аэропортига қўнишга мажбур бўлди.** Дастлабки маълумотларга қараганда, «КрасЭйр» авиакомпаниясига қарашли мазкур самолётнинг гидротизими ишламай қолган.

Россия ФВВ вакилининг айтишича, самолёт бортида 69 нафар йўловчи ва 10 нафар экипаж аъзоси бўлган. Қўниш пайтида ҳеч ким жароҳат олмаган.

*Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.*

HAMKORBANK

***Чинданам, инсон бор салоҳиятини ишга солиши учун ўз олдига илҳом бағишлайдиган бирор-бир олижаноб мақсад қўймоғи керак.***

***Бундан 15 йил аввал Андижонда ўз фаолиятини бошлаган «Ҳамкорбанк»ни ҳам улуғ мақсадлар бошини тутган карвонга менгзаш мумкин. Дастлаб қийинчиликларга дуч келса-да, аммо жамоа кўнглида ёруғ кунлар шуъласи ўчмади. Ўзаро ҳурмат ва эътибор банкнинг асосий таянчига айланган мижозлар оқимининг тобора ошишига имкон берди.***

# БАНК — ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ

- *Банк: кеча ва бугун*
- *Ҳамкорлик самаралари*
- *Кредитлар — мижоз эҳтиёжи учун*
- *Тараққиёт сари янги қадамлар*

Республика молия бозорида ўз ўрнига эга бўлди. Бугунги кунда «Ҳамкорбанк»нинг салкам 1000 кишилик жамоаси 50 мингдан зиёд мижозлар хизматида. 9 та вилоятда 24 филиали, 60 га яқин мини банки, 85 дан ортиқ жамғарма кассалари унинг қўш қаноти ҳисобланади. Айниқса, ўтган 2006 йил бутун мамлакатимиз иқтисодиётида бўлгани сингари банк учун ҳам барқарор ўсиш даври бўлди.

Банк эришаётган муваффақиятларнинг асосий омили мижозларга тақдим этилаётган хизмат турларининг кўпайганлиги, ходимларнинг билим ва тажрибаси узлуксиз ортиб бораётганлигидир.

Банкнинг ўз фаолият кўламини кенгайтириш ва ривожлантириш стратегик режасига асосан, 2006 йилда Самарқанд ва Қарши филиаллари очилди. Бу унинг иқтисодий кўрсаткичлари ўсишига хизмат қилмоқда.

### АКТИВЛАР ВА КАПИТАЛ

Ўтган йили банк активлари йил бошидаги кўрсаткичга нисбатан 28 фоизга ўсган, банк капитали эса 13 фоизга ошган.

### КРЕДИТЛАР ЖОЗИБАСИ

Кредит йўналиши бўйича мижозларга берилган кредитлар 16 фоизга ортди. Жами активларда кредит қўйилмаларнинг салмоғи 61,4 фоизга тўғри келди.

«Ҳамкорбанк» мамлакатимиз молия бозорида ишончли молиявий ташкилот сифатидаги мавқеини сақлаб қолди. «Ҳамкорбанк» 1992 йилдан буён Россия Банклари ассоциациясининг аъзоси ҳисобланади. У бу мамлакатнинг бир неча тижорат банклари билан молиявий ҳамкорлик қилиб келмоқда. Айни чоғда банкни янада тараққий эттириш йўлида жамоа янги ғоялар, янги лойиҳалар устида тинмай изланишлар олиб боряпти.

Банкнинг хорижий шериклар билан ҳамжиҳатликдаги фаолияти кенг доирадаги тижорат ва инвестиция йўналишларини қамраб олган. Европа Тикланиш ва тараққиёт банки томонидан Ўзбекистонда микрокредитлаш дастурини ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилган «Пилот» дастури банкда муваффақиятли амалга оширилганидан сўнг, ЕТТБ билан ҳамкорлик янада мустаҳкамланди. Шу кунгача «Ҳамкорбанк» ушбу халқаро ташкилот билан 3 та кредит битими имзолагани бунинг тасдиғидир. Ана шу кредитлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш, банкни янада муваффақиятли ривожлантириш, хусусий сектор субъектларини қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Ҳозирги вақтда эса «Ҳамкор-



банк»нинг 16 та филиалида ЕТТБ микрокредитларини бериш йўлга қўйилган бўлиб, бу хизмат бўйича 67 нафар малакали мутахассис фаолият олиб бормоқда.

«Ҳамкорбанк» бўйича ЕТТБ линияси орқали берилган кредитлар миқдори, 2007 йил 1 январь ҳолатига кўра, 8 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Бугунга қадар 20 мингга яқин тадбиркор ва ишбилармон банкнинг бу хизмат турларидан фойдаланишга муваффақ бўлди. Натижада 60 мингдан зиёд иш ўринлари яратилди. Аҳолининг истеъмол товарларига, уй-жой учун қурилиш ашёларига, қолаверса, мароқли ҳордиқ чиқаришга бўлган талабини қондириш мақсадида банк истеъмол ва ипотека кредитларини таклиф этди. 2006 йил давомида банк томонидан республикамиз бўйича жами 532 млн. сўм истеъмол кредити берилган бўлса, ипотека кредити 45 млн. сўмга етди.

### ЛИЗИНГ АМАЛИЁТИ

Маълумки, мамлакатимиз иқтисодий ривожланиши ва экспорт салоҳиятини кенгайтиришда чет эл ускуна ва технологияларини лизинг асосида мижозларга узоқ муддатга сотиб олиб бериш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада «Ҳамкорбанк» нафақат Фарғона водийси, балки республикадаги корпоратив мижозлар эҳтиёжини қондириб келмоқда.

Айниқса, кичик бизнес субъектларининг ушбу банк хизматига бўлган талаб ва таклифи тўхтовсиз ўсиб бормоқда. Сабаби, эскирган ускуна ва жиҳозларни янгилашга зарурат туғилиши ва лизинг шартномаси бўйича тўловларни амалга оширишда қулайлик яратилганлигидир.

«Ҳамкорбанк»да 2007 йил 1 январь ҳолатига кўра, лизинг хизматлари 1,6 млрд. сўмни ташкил қилди. Хусусан, ўтган йили Андижондаги «Евротаъмирлаш» кўп тармоқли хусусий фирмасига бўз маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун қиймати 20,0 минг АҚШ долларилик импорт ускуна лизинг асосида олиб берилди. Тошкентдаги «Ипак йўли автотранс» очиқ акциядорлик жамиятига 588,0 млн. сўм миқдоридаги 28 дона микроавтобус, Андижондаги «Абдухалил ва ўғиллари» МЧЖга қиймати 20,6 минг АҚШ долларилик тўқув дастгоҳлари, Тошкентдаги «Қўҳинур» МЧЖга 205,0 минг АҚШ долларилик нашриёт ускуналари, Намангандаги «Конкорд» ОТҲЖга 11,0 минг АҚШ долларилик сабзавот ва меваларни қайта ишловчи ускуна ва жиҳозлар, Кувасойдаги «Имкон ЛТД» хусусий фирмасига 316,0 минг АҚШ долларилик пластик идишлар ишлаб чиқариш ускуналари ҳам лизинг усулида харид қилинди. Банк, шунингдек, махсус техника, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, автомобиль техникалари учун ҳам лизинг асосида самарали хизмат кўрсатиб келмоқда.

> ***Агар мақсадсиз бўлсанг, ҳеч нарса қилолмайсан, мақсадинг катта бўлмаса, буюк иш қилолмайсан.***
>
> **Д. ДИДРО.**

### ХОРИЖИЙ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ

Ҳисобот даврида пул ўтказмалари ҳамда валюта айирбошлаш шохобчалари орқали амалиётларни амалга оширишга эришилди. Валюта конвертацияси бўйича 490 та талабномага асосан, 13 млн. доллардан ортиқ ҳажмда шундай операциялар бажарилди. «Ҳамкорбанк» экспорт соҳасида фаолият олиб борувчи мижозларга ҳам ҳар томонлама ёрдам кўрсатмоқда. Бундан кўзланган мақсад экспортни қўллаб-қувватлашдир.

Банкнинг «SWIFT» халқаро пул тўлов тизимига уланиши банк ва мижоз ўртасидаги тўловларни ўз вақтида амалга ошириш имконини берди, валюта тушумларининг ўз вақтида тушишини таъминлади. Ҳозирда банк филиалларида 36 та валюта айирбошлаш шохобчаси ишлаб турибди.

Ўтган йилга нисбатан 2006 йил жами валюта айирбошлаш шохобчалари орқали харид қилинган валюта икки бароборга, аҳолига сотилган валюта ҳажми 1,4 бароборга ортди. Банкда, 2007 йил 1 январь ҳолатига кўра, жисмоний шахслар учун «Вестерн Юнион», «Анелик», «Контакт», «Тезкор почта», «Юнистрим», «Мигом» каби пул ўтказмалари орқали 428 минг нафар мижозга хизмат кўрсатилиб, жами ўтказмалар ҳажми 295 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

### АКЦИЯЛАР

Банк устав капитали 2006 йилда 7,5 млрд. сўмга шакллантирилган бўлса, жорий йилда уни 9,5 млрд. сўмга етказиш режалаштирилган. Банк акциядорларининг 10 фоизини имтиёзли ва 90 фоизини оддий акциялар ташкил қилади.

Банк ўзининг ресурс базасини мустаҳкамлаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини жалб этишни такомиллаштириш мақсадида улар учун қизиқарли шартларда депозит сертификатлари эмиссиясини давом эттирмоқда. Республика қимматли қоғозлар бозорида фаол иштирок этиш мақсадида банк 2006 йилда йирик корпоратив мижозларнинг облигацияларини муомалага чиқариш, уларни бирламчи бозорда жойлаштириш ва иккиламчи бозорда айланишини ташкил этишга кўмаклашишнинг андеррайтерлик хизматини ҳам жорий қилди.

### АҲОЛИ ЖАМҒАРМА ОМОНАТЛАРИ

2007 йил 1 январь ҳолатига кўра, аҳоли омонатлари қолдиғи ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 41 фоизга ўсди. «Барқарор» ва «Барқарор кўрсатувчига», қолаверса республика банклари ўртасида хорижий валюта бўйича энг юқори «Универсал» тақдим этувчига» ва «Тақдим этувчига» омонатлари, айниқса, мижозлар ўртасида ишончлилиги билан оммалашиб бормоқда.

Миллий ва хорижий валюталарда ўз ҳисобварақларига эга бўлган омонатчилар эса деярли 1,1 баробар кўпайди, 2007 йил 1 январга келиб, уларнинг сони 21 435 тага етди.

### ▼ Молия муассасаларида

Банк томонидан коммунал тўловлар қабул қилиш ўтган йилга нисбатан 20 фоизга ўсган.

### ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАР

Республикамиз тижорат банклари томонидан эмиссия қилинаётган пластик карточкалар банк мижозларига бир қанча қулайликлар яратиб бераётганлиги, натижада нақд пулсиз ҳисоб-китоблар замонавий тарзда амалга оширилаётгани диққатга сазовордир. Ички амалиётларимизда, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар орқали ҳисоб-китобларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 445-сонли қарорига мувофиқ, улар банкдан ташқари пул маблағлари айланмасини қисқартириш, чакана савдо, коммунал тўловлар ва бошқа хизмат турларидаги тўловларни карточкалар орқали амалга ошириш ҳамда иш ҳақларини олишда кенг қўлланилмоқда.

2006 йил мобайнида банкнинг муомалага чиқарилган пластик карточкалари сони 10640 тани ташкил қилди. Пластик карточкалар бўйича амалга оширилган айланмалар 602,0 млн. сўмга етди.

Республика бўйича банкнинг 115 та терминали ўрнатилган бўлиб, шу тармоқ орқали умумий айланма 935,0 млн. сўмни ташкил этди. 2007 йилда эса қўшимча 15 000 та карточкани муомалага чиқариш, 145 та терминал ўрнатиш мўлжалланмоқда.

### ТАШҚИ АУДИТ

Банк молиявий ҳисоботларининг халқаро стандартларга мос равишда ҳар йили халқаро аудит компаниялари томонидан текширилиши белгиланган. Шунга кўра, банкнинг 2006 йилдаги фаолияти якунлари «Прайсватерхаускуперс» аудиторлик компанияси томонидан текширувдан ўтказилди.

### КАДРЛАР — АСОСИЙ КУЧ

Ходимларни бошқариш банк рақобатбардошлигини оширишнинг асосий омилларидан биридир. Банкнинг истиқболдаги стратегик режаларини амалга ошириш эса, шубҳасиз юқори малакали, билимли ва масъулиятни чуқур ҳис этувчи кадрларга боғлиқ. Ҳозирда банкнинг бош офиси ва унинг 24 та филиалида 972 нафар ходим меҳнат қилмоқда. 2007 йил 1 январь ҳолатига кўра, уларнинг сони ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 134 тага ортди. Бу ўсишга йил давомида банк филиалларида пластик карточкалар бўйича хизмат турининг жорий этилиши, хорижий валютада пул ўтказмалари бўйича иш ҳажмининг кўпайиши, янги мини банкларнинг очилиши, микрокредитлаш йўналиши бўйича зарур штат бирликларининг ажратилиши, бош банкнинг таркибий ўзгариши ҳамда янги очилган Самарқанд, Қарши филиаллари учун қўшимча штат бирликлари белгиланиши ҳисобига эришилди.

Ходимлар таркибий тузилмаси 690 та мутахассис, 198 та ғазначи, 84 та кичик хизмат кўрсатувчидан иборат. Шундан эркаклар 67,1 фоизни, аёллар 32,8 фоизни ташкил этади.

2006 йил давомида 432 нафар банк ходимининг касб малакаси оширилди. Шу мақсадда ўтган йилнинг 1-чорагида Банк-молия академиясининг кафедра мудири, иқтисод фанлари номзоди В.А.Котов, М.Б.Хамидулин ва Ўзбекистон Банклари ассоциацияси бош юристи Г.А.Серов томонидан «Лойиҳаларни молиялаштириш» мавзусида ўқув-семинар уюштирилди. «Ҳамкорбанк» АТБ ва Минтақавий банк ўқув маркази ўртасидаги ўзаро келишувларга асосан, 150 нафар банк ходими Тошкентдаги ушбу марказ курсларига, Банк-молия академиясининг малака ошириш факультети ўқув базасидаги курсларга эса 36 нафар ходим жалб этилди.

2006 ўқув йилида, шунингдек, раҳбарлик лавозимларига захирага олинган банкнинг 3 нафар ходими Банк-молия академиясига муваффақиятли ўқишга кирди. Бундан ташқари, раҳбар ва мутахассис ходимларидан муносиб номзодлар танлаб олиниб, МДҲ ва хорижий давлатларга ўқув семинарларига ва тажриба алмашишга юборилмоқда. Ўтган йили банкнинг 16 нафар ходими Халқаро молия корпорацияси томонидан Боку, Олмаота, Бишкек шаҳарларида ташкил этилган ўқув семинарларида иштирок этгани шундан далолат беради.

ЕТТБ томонидан Беларуснинг «Приорбанки»да уюштирилган тажриба ошириш амалиётларига 4 нафар ходим юборилгани, Россиянинг «Русславбанк»ида эса 2 ходим малака оширгани ҳам ўз самарасини бермоқда.

Жорий йилда ҳам «Ҳамкорбанк» акциядорлик тижорат банки ўз ходимларини ўқитиш, малакасини ошириш ва қайта тайёргарликдан ўтказиш борасида аниқ режа ва дастурлар асосида иш олиб бормоқда.

«Ҳамкорбанк» жамоаси бу йил мамлакатимиз молия бозорида рақобат кураши тобора кескинлашаётган бир пайтда кўрсатилаётган хизматларнинг барча турлари бўйича ўз пешқадамлигини мустаҳкамлайди, ўз фаолияти йўналишларини янада кенгайтиради. Янги лойиҳалар, ғоялар устида тинимсиз изланиб, мижозлар эҳтиёжи учун қулай ва сифатли бўлган хизмат турларини кўпайтириш йўлида астойдил меҳнат қилади. Сармоя салмоғини яхшилаш, чакана хизматларни ривожлантириш, янги банк маҳсулотларини қўллаш, нақд пул айланмасини мустаҳкамлаш, энг асосийси, иқтисодий фаолият субъектларини замонавий ва сифатли банк хизматлари тизими билан таъминлаш, мижозларга хизмат кўрсатишни жаҳон андозалари даражасига кўтариш, филиал ва мини банклар сонини кўпайтиришдек улуғвор вазифаларни амалга оширади. Республика иқтисодиётини янада мустаҳкамлаш ва юксалтириш учун бутун куч-ғайратини аямайди.

**«Ҳамкорбанк» матбуот хизмати.** t

СОЛИҚ АКАДЕМИЯСИГА ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ СОЛИҚ АКАДЕМИЯСИ

**2007-2008 ўқув йили учун бакалавриат босқичининг «Солиқлар ва солиққа тортиш» таълим йўналиши бўйича ўзбек ва рус гуруҳларига ўқишга қабул қилмоқда.**

Солиқ академиясига бакалаврлар тайёрлаш дастури бўйича ўқитиш учун Давлат солиқ қўмитасининг солиқ коллежлари битирувчилари ўрнатилган ягона тартиб ва танлов асосида қабул қилинади.

**Ўқишга кирмоқчи бўлганлар академия қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:**
- *ариза;*
- *ўрта махсус маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;*
- *086-У шакл бўйича тиббий маълумотнома;*
- *паспорт нусхаси;*
- *3х4 см. ҳажмдаги 6 та фотосурат.*

**Абитуриент томонидан паспорт ҳамда ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.**

**Ҳужжатлар 2007 йилнинг 20 июлигача қабул қилинади.**

Манзилимиз: Тошкент ш., Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли к., 3-уй. Тел.: 117-44-46.

895Н/1095

**ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ.**

## 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

***Наманган шаҳрида 193 нафар уруш қатнашчиси, 2350 нафар уруш ортида хизмат қилганлар ва 41 мингдан зиёд меҳнат фахрийлари яшайди. Тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари уларнинг турмуш тарзидан тез-тез хабар олиб туришибди.***

# ДИЛЛАРГА МЕҲР УЛАШИБ

**М**асалан, «Нуроний» жамғармаси бўлими шу йилнинг ўтган даври мобайнида одамларнинг яшаш шароитини яқиндан ўрганиш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғинлари ва ҳомий ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказган тадқиқотлар жараёнида 100 дан ортиқ кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оила ҳисобга олинди. Уларга беминнат ёрдам кўрсатилди. «Хайрия» марафонида эса уруш қатнашчиси, меҳнат ногиронлари ҳамда ёлғиз кексалардан 209 кишига алоҳида эътибор қаратилди.

Айниқса, урушда иштирок этган кишиларнинг яшаш шароитини яхшилашга катта эътибор берилаётгани диққатга сазовор. Ана шундайлардан Самсоқжон Нишонов, Валентин Худяковларнинг уйи бепул таъмирланди. Ҳабибулла Расулов ва уруш ортида хизмат қилган Анна Сигибневаларнинг ҳар иккови ҳозир қаров ва ёрдамга муҳтож. Уларнинг аҳволидан мунтазам хабар олиниб, бепул дори-дармон етказиб бериляпти. Шу каби меҳрга муҳтож Турдихон Тўраева, Аҳмаджон Мамажонов каби меҳнат фахрийлари, 100 ёшдан ошган Холбухон Маврубаева, Мавлуда Муҳиддинова ва Умихон Нишонова сингари онахонлар доимо бўлимнинг назоратида. Кўрсатилаётган бундай эҳтиром учун улар беҳад хурсандлар. «Қадамжой» маҳалласида яшовчи, турмуш ўртоғи оламдан ўтган, кам таъминланган Раҳима Тўрахоновага ўғлини уйлантиришда моддий ёрдам берилди. Тўй маросимида бўлим ходимлари бош-қош бўлишди.

Яқинда нишонланган Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунида «Байналмилал» маҳалласида истиқомат қилувчи кам таъминланган Муҳаббатхон Зокирова оиласига ҳам катта ҳиммат кўрсатилди. Ижтимоий таъминот ва «Нуроний» жамғармаси шаҳар бўлимлари ҳамда ҳомий ташкилотлар томонидан оиланинг мажруҳ ўғли, вояга етмаган Жамолиддин Шариповга ногиронлар аравачаси совға қилинди.

— Турмуш ўртоғимнинг кўзи ожиз, катта ўғлим Жамолиддин эса ногирон, — деди Муҳаббатхон ая аравачани қабул қилиб олар экан. — Биз гарчи шаҳардаги катта боғ атрофида истиқомат қилсак-да, ногирон ўғлим уни бирор марта ҳам кўрмаган. Мана энди ўғлимни кўчага ва боққа сайрга олиб чиқиш имкониятига эга бўлдим. Оиламизга кўрсатилган бу ҳиммат учун ҳукуматимиздан, шаҳардаги мутасадди идора ва барча ҳомий ташкилотлардан миннатдормиз.

Ўша куни шаҳарнинг А. Қаҳҳор кўчаси, 2-уйда яшовчи вояга етмаган Муаттар Йўлдошевага ҳам эшитиш мосламаси ҳадя қилишди. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида шаҳарда 27 нафар вояга етмаган ногиронлар махсус аравачаларга эга бўлишди.

Шаҳарда эл-юртга кўп хизмати синган, ҳозир ҳам бошқаларга намуна бўлаётган фахрийлар кўп. Улардан тузилган гуруҳ билан мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабаларининг учрашувларини ўтказиш анъанага айланган. Бу тадбирларда ёшларга миллий истиқлол ғояси, миллатлараро дўстликни, маҳалла, оила, мактаб ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш кенг тарғиб этилаётир.

Бўлим кексаларнинг маданий ҳордиқ чиқариши масаласи билан ҳам фаол шуғулланмоқда. Шаҳарда байрам ва бошқа саналарга бағишланган бирор тадбир йўкки, уларда нуронийлар иштирок этмаган бўлсин.

— Уруш қатнашчилари, кам таъминланган фуқаролар, меҳнат фахрийларининг турли жойларга бориб, мароқли дам олишини ташкил этганмиз, — деди биз билан суҳбатда бўлим раиси Файзулла Ҳожиев. — Кексаларимизнинг вилоятимиздаги буюк аждодлар Мулла Бозор Охунд, Нодим Намангоний, Маҳмуд Аъзам, Мавлоно Лутфулло, Султон Увайс Караний номлари билан боғлиқ зиёратгоҳларга, Чуст, Косонсой ва Чортоқ туманларидаги хушманзара жойларга саёҳатларини уюштирмоқдамиз. Ўтган йилнинг ёз ойларида 110 кишини улуғ алломалар Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Амир Темур, Аҳмад Фарғоний, ат-Термизий номлари билан боғлиқ Самарқанд, Бухоро, Фарғона ва Тошкент каби шаҳарларга ўн кунлик зиёрат сафарларини ташкил қилдик. Ҳамшаҳарларимиз ана шу жойларда мустақиллик йилларида амалга оширилган улкан ўзгаришларни ўз кўзлари билан кўриб, бой таассуротлар билан қайтдилар. Бу йил ҳам ана шундай тадбирни ташкиллаштиришни режалаштирганмиз.

**Б**из Наманган шаҳрида ёрдамга эҳтиёж сезиб яшаётган, ёлғиз кексалар, ногиронлар, кам таъминланган ва нуронийларни эъзозлаш, уларга кўмак ва маънавий мадад бериш бўйича амалга оширилаётган ибратли ишларнинг айримларига тўхталдик, холос. «Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак» деганларидек, шаҳарда бундай хайрия тадбирлари давом этаверади.

**Эркин ҚАМБАРОВ.** t

---

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати жамоаси масъул ходим Русланбек Куралтоевич Давлетовга отаси **Куралтой ДАВЛЕТОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

---

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси жамоаси Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази ходими Назира Матмусаевага падари бузруквори **Латиф МАТМУСАЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоат ташкилотлари Шарқ тиллари кафедраси мудири Холназар Ўроловга акаси **Хушвақт ЎРОЛОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоат ташкилотлари Жаҳон адабиёти ва адабиёт назарияси кафедраси доценти Марзия Қаландаровага укаси **Йўлдошбек ҚАЛАНДАРОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

Тошкент Банк коллежи Тиллар ва ҳуқуқ кафедраси катта ўқитувчиси Карима Шайховага падари бузруквори **МУҲИДДИН отанинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

## «Универсиада» кундалиги:

# УЧРАШУВ, БЕЛЛАШУВ, НАТИЖА

Мусобақаларнинг иккинчи куни ҳам дастурдаги қатор спорт турлари бўйича ғолиб ва совриндорларга медаль ва совғалар топширилди.



**СТОЛ ТЕННИСИ:** *Ўзбекистон Миллий университети спорт залида ўтаётган беллашувларда умумжамоа ҳисобида Тошкент вилояти вакиллари биринчи ўринни қўлга киритишди. Иккинчи ўрин Андижон, учинчи ўрин эса Тошкент шаҳри жамоаларига насиб этди.*

**СУЗИШ:** Ўзбекистон Миллий университетининг янги қурилган ёпиқ сузиш ҳавзасида кеча 50 метрга эркин, 100 метрга брасс ва чалқанча усулда сузиш баҳслари бўлиб ўтди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, сузиш мусобақаларида Тошкент шаҳри ва Навоий вилояти вакиллари муваффақиятли иштирок этмоқда. Жумладан, эркаклар ўртасида 50 метрга эркин усулда сузиш бўйича Сергей Цой (Тошкент ш.) олтин, Дмитрий Логинов (Тошкент вилояти) кумуш, Пётр Ромашкин (Навоий) бронза медалларига сазовор бўлдилар. Аёллар ўртасида эса Ирина Шлемова (Навоий) биринчи, Наталья Плюсова (Тошкент ш.) иккинчи, Анна Шеглова (Тошкент ш.) учинчи ўринни эгаллади.

100 метрга брасс усулда сузиш мусобақалари ҳам муросасиз курашларга бой бўлди. Унда эркаклар ўртасида Андрей Морковин, Александр Цой (Тошкент ш.), Иброҳим Назаров (Навоий), аёллардан Тамила Габдраҳмонова, Елена Лисицкая (Тошкент ш.), Ширин Исоқова (Наманган)лар совриндор бўлишди. 100 метрга чалқанча усулда сузишда тошкентлик Сергей Панков маррага биринчи бўлиб етиб келди. Навоийлик Ринат Имяминовга кумуш, фарғоналик Равшан Ғаниевга бронза медали насиб этди. Аёллар ўртасида Тошкент шаҳри вакили Галина Духанова, наманганлик Виктория Фазлиева ва фарғоналик Феруза Марасуловалар "Универсиада — 2007"нинг олтин, кумуш ва бронза медалига эгалик қиладиган бўлишди.



Мусобақалар давом этмоқда.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## Гандболчи қизлар баҳси

***"Универсиада-2007" мусобақалари Халқаро олимпия қўмитаси томонидан жорий қилинган олимпия усулида ўтказилмоқда. Бу эса иштирокчиларнинг ҳар бир беллашувда фақат ғалаба учун курашишини таъминламоқда.***

Гандболчи қизлар баҳсида энг кескин ва муросасиз учрашув Наманган ва Сурхондарё терма жамоалари ўртасида бўлди. Унда наманганликлар 21:19 ҳисобида зафар қучди.

Мазкур жамоа дарвозабони, Наманган давлат университети биринчи курс талабаси Дилрабо Сулаймонованинг фикрича, бу Наманганда хотин-қизлар спортини ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор натижаларидандир.

Иккинчи босқичда Тошкент шаҳри гандболчи қизлари Қорақалпоғистон жамоасини 38:11, Хоразм вакиллари навоийликларни 22:21 ҳисобида мағлубиятга учратиб, ғолиблик учун курашни давом эттирадиган бўлди.

Гандболчи йигитлар ўртасидаги беллашувларда эса қуйидаги натижалар қайд этилди: Тошкент шаҳри — Хоразм 29:17, Фарғона - Бухоро 19:32, Наманган – Андижон 18:30.

"Универсиада — 2007" мусобақалари дастуридан жой олган волейбол бўйича эркаклар ўртасида биринчи босқич якунланди. Унга кўра, ўз рақибларини мағлубиятга учратган Навоий, Сурхондарё, Андижон, Фарғона, Наманган ва Қорақалпоғистон волейболчилари медаллар учун курашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Хотин-қизлар ўртасида эса дастлабки босқичдан муваффақиятли ўтган жамоалар иккинчи тур беллашувларида майдонга тушди. Ўйинларда қуйидаги натижалар қайд этилди: Самарқанд — Навоий 0:2, Қорақалпоғистон — Андижон 2:0, Тошкент шаҳри — Хоразм 2:0, Наманган – Жиззах 2:0.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**



## ҲАКАМЛАР ЖОЙЛАШГАН МАСКАН

**"Универсиада — 2007" спорт ўйинлари ҳакамлари "Ёшлик" талабалар шаҳарчасининг Тошкент давлат юридик институти талабалар турар жойида истиқомат қилишмоқда.**

— Талабалар шаҳарчасига келмаганимга роса ўн беш йил бўлганди, — дейди жиззахлик футбол бўйича Республика тоифасидаги ҳакам Шуҳрат Каримов. — Бу ердаги шарт-шароитни кўриб, барча ҳамкасбларимнинг баҳри-дили очилди. Ўзим мустақиллик йилларидан аввал институтда таҳсил олгандим. Тўғриси, шунча шароитларни кўриб, бугунги ёшларга ҳавасим келди. Энди улар фақат, ўз билим ва салоҳиятлари билан бу имкониятлардан унумли фойдаланишлари керак.



Масканда 100 ўринли кинозал, интернет тармоғига эга компьютер хонаси, ошхона, теннис ва тренажёр заллари ҳакамлар ихтиёрига бериб қўйилган.

**О. ЛУТФУЛЛАЕВ.**
Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

### Сўз – Универсиада иштирокчиларига!

***Абдулла ТАНГРИЕВ, кураш бўйича жаҳон, дзюдо бўйича Осиё чемпиони:***

— Универсиада мамлакатимиз ёшларининг ўзига хос кичик олимпиадасидир, десак хато бўлмас. Мен Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида ўтказилган Универсиада мусобақаларида дзюдо ва кураш мусобақаларида олтин медалларини қўлга киритган эдим. Пойтахтимиздаги Универсиадада ҳам кураш бўйича олтин медални қўлга киритиш насиб этганидан хурсандман. Шу ўринда Президентимиз ташаббуси билан асос солинган уч босқичли спорт мусобақаларининг алоҳида жиҳатига тўхталиб ўтмоқчиман. Ана шу мусобақалар шарофати туфайли шаҳарлар, қишлоқлар обод бўлаяпти. Мусобақа ўтадиган ҳудудларда яшовчи ёшлар учун замонавий спорт мажмуалари совға бўлиб қолаяпти. Ишончим комилки, ватанимиз ёшлари орасидан, Президентимиз табригида таъкидланганидек, жаҳон спорт майдонларида маррани катта оладиган, юртимиз довруғини дунёга таратадиган кўплаб спортчилар етишиб чиқади.

Кўп вақтдан буён Тошкентни кўришни орзу қилардим. Минг шукур, орзуим ушалди.



## Пойтахт — ғурурбахш шаҳар

«Универсиада» сабаб пойтахтга биринчи марта қадам қўйдим. Қаранг, шундай гўзал маъво — бизнинг Ватан. Аввал телевизор орқали Тошкентга маҳлиё бўлгандим.

Дўстларим билан Мустақиллик майдонини айландик. Нақ мўъжизанинг ўзи. Бундай юртда яшаётганимдан фахрланаман. Ўзбекистоннинг довруғини жаҳонга танитишда ўз ҳиссамни қўшишни дилимга тугиб қўйдим.

**Марҳабо ҚАЛАНДАРОВА,**
**Урганч давлат университети талабаси.**

## МАЗМУНГА БОЙ КУНЛАР

Қани эди, шундай кунлар кўпроқ давом этса. Очиғи, Тошкентнинг фусункор жамолига асло тўймаяпмиз. Ўтган икки кун мобайнида бир-биридан мароқли тадбирларнинг гувоҳи бўлдик. Шу аснода ўзим ўндан ортиқ дўстлар орттирдим.

«Универсиада-2007» мусобақаларига жамоамиз баскетбол бўйича қатнашди. Омад биздан юз ўгирди чоғи, биринчи босқичда мағлубиятга учрадик. Лекин бундан кайфиятимиз тушгани йўқ.

Мана, «Универсиада»нинг тантанали очилиш маросимида Юртбошимизнинг биз ёшларга йўллаган табриклари ўқиб эшиттирилди. Унда ёшларга яратилаётган кенг имкониятлар ҳақида айтилган. Табрикни эшитиб, ҳали олдимизда масъулиятли вазифалар турганлигини ҳис этдим.

**Талгат МАМБЕТОВ,**
**Нукус давлат педагогика университети талабаси.**



«Универсиада-2007» мусобақалари айни қизғин паллага кирди. Айрим спорт турлари бўйича ғолиблар номи аллақачон маълум бўлди. «Кичик олимпиада» дея эътироф этилган мазкур тадбир ҳақидаги тўлиқ хабарлар Ахборот маркази ходимлари томонидан муфассал бериб борилаяпти.

## www.universiada.uz

### *Уч кунда бу сайтдан 16970 нафар киши фойдаланди*

— Марказимиз «Универсиада-2007» ўйинларини ёритаётган 400 дан зиёд журналистга ахборотларни ўз вақтида етказиб бермоқда, — дейди Ахборот маркази масъул котиби Хислат Маҳаммадалиев. — Марказ фаолиятини ташкил этишда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ходимлари, Ўзбекистон Миллий университети ва Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети профессор-ўқитувчи ҳамда талабаларининг хизмати катта бўлди.

«Универсиада — 2007» мусобақаларидаги натижалар, кўрсаткичлар, интервьюлар ва фотосуратларни кенг оммага етказиш мақсадида **www.universiada.uz** сайти очилганди. Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур веб-саҳифа инглиз ва рус тилларида ҳам ахборот узатмоқда.

«Универсиада» нафақат мамлакатимиз фуқаролари, балки чет эллик спорт ихлосмандларида ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Буни сайтдан фойдаланувчилар сони кўпайиб бораётганидан ҳам билса бўлади. Ахборот марказидан олинган маълумотларга қараганда, ўтган уч кун ичида www.universiada.uz сайтига 16970 нафар фойдаланувчи кирган.

— Сайтимизда янги «Спортимиз етакчилари» рукни ташкил этилди, — дейди Ахборот марказининг янгиликлар билан ишлаш бўлими ходими Акбар Нурматов. — Унга юртимиз довруғини жаҳонга танитган спортчилар, аввалги «Универсиада» мусобақаларида юксак чўққиларни забт этган ёш спортчилар ҳақида маълумотлар киритилди.

Ахборот марказида компьютерлар бетўхтов ишловчи интернет тармоғига уланган. Шунингдек, махсус фотожурналистлар гуруҳи ҳам ташкил этилди.

«Универсиада» интернет сайти уч йўналишда фаолият олиб бормоқда. Биринчисида, марказ ходимлари томонидан натижалар, мақолалар, фотолавҳалар тезкорлик билан тармоққа жойлаштирилади. Иккинчи йўналишда, талабалар турар жойларидан интервью ва репортажлар тайёрланади. Сўнггисида эса маданий ва маърифий йўналишда ўтказилаётган тадбирлардан фотолавҳалар берилади.

Ҳар бир спорт мусобақаси ўтказилаётган ҳудудда Ахборот маркази филиаллари ташкил этилди.

— Махсус видеотасвирчилар гуруҳини ташкил этдик, — дейди Х. Маҳаммадалиев. — Универсиада якунида видеофильм яратишни режалаштирганмиз. Фотосуратлардан эса альбом тайёрлаб, уни компакт дискка жойлаштирамиз. Мусобақалар охирида бу альбомни ҳар бир иштирокчига тарқатамиз.

«Универсиада — 2007» мусобақаларини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида ташкил этилган Ахборот маркази фаолияти билан танишар эканмиз, бу ердаги ишлар энг замонавий талабларга монанд ташкил этилганига гувоҳ бўлдик.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Сўз – Универсиада иштирокчиларига!

**Комила МИРЗААЛИМОВА, Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти 3-курс талабаси:**

*— Теннис ҳаётимнинг бир бўлаги. Бу спорт турига ёшлигимдан қизиқаман. 2003 йилда "Баркамол авлод" мусобақаларида қатнашиб, яккалик баҳсларда 3-ўрин, жуфтликда эса ғолиб бўлган эдим. Бу сафар ҳам ғолибликни қўлга киритиш ниятидаман. Истагим — келажакда спортнинг шу тури бўйича жаҳон чемпионатларида иштирок этиб, ғолиб бўлиш.*



## ТАЛАБАЛАР ТАРИХ МУЗЕЙИДА

***Маданий-маърифий дастурлар доирасида 22 июнь куни «Универсиада — 2007» спорт мусобақалари иштирокчиларидан бир гуруҳи пойтахтимиздаги Ўзбекистон тарихи давлат музейида бўлдилар.***

Ушбу даргоҳнинг бой экспозициясини кўздан кечирган киши башарият тараққиётининг бешикларидан бўлган Ватанимиз тарихи нечоғли бой ва қадимий эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилади. Музей хазинасидаги икки юз эллик мингдан зиёд ранг-баранг, бебаҳо археологик осори-атиқалар, нумизматика, этнографияга оид экспонатлар, қимматли архив ҳужжатлари бунинг ёрқин далилидир.

Истиқлол йилларида тарих соҳасида олиб борилган кенг кўламли илмий тадқиқот ишлари натижасида музейнинг янги экспозицияси яратилди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги маданий-маънавий, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, миллий давлатчилигимизнинг шаклланиши ва тадрижий босқичлари чуқур илмий асосда холисона ёритиб берилди.

Музей экспозицияси тош давридан то ҳозирги кунимизгача бўлган даврни қамраб олган.

— Бу ерда ташкил этилган «Тошкент: кеча ва бугун» мавзуидаги тарихий кўргазма бизда, айниқса, катта қизиқиш уйғотди, — деди Нукус давлат педагогика институти талабаси Алишер Зулхандаров. — Унда намойиш этилаётган экспонатлар билан танишиб аждодларимиз диний, дунёвий илмлар ривожига улкан ҳисса қўшганига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

"Универсиада — 2007" спорт мусобақалари иштирокчилари Темурийлар тарихи давлат музейи, Ўзбекистон давлат санъат музейи, Маданият ва санъат кўргазмаси заллари ҳамда бошқа маданий-маърифий масканларда ҳам бўлдилар.

**(ЎзА).**

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 33764 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;*
*Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.50 Топширилди — 23.20 1 2 3 4 5 6